

Шахзод ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
мустақил тадқиқотчи

«ИШИД» ТЕРРОРЧИ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТИДА МЕДИА ТАРҒИБОТНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Дунёдаги охириги 20 йилликда рўй берган воқеалар таъсил экстремизм ва терроризмнинг мафкуравий таъсир кўрсатиши ва сиёсий босим ўтказиш механизми, глобал хавфсизлик ва барқарорликка асосий таъдид сифатида майдонга чиққанини кўрсатди. Мазкур таъдид, айниқса, араб-мусулмон дунёсида оғир муаммоларни келтириб чиқаргани, маданият ва юксак цивилизациянинг қудратли манбаи бўлган ислом таълимотини рўқач қилиб, мусулмон оламини моддий-маънавий тараққиётдан бир неча ўн йилликларга ортида қолдиргани билан характерлидир. Мана шундай ҳолатларга сабабчи бўлган “ИШИД” террорчи ташкилотининг мазмун моҳиятини ўрганиш ҳам муҳимлик касб этади. Шу нуқтаи назардан “ИШИД” медиа тарғиботининг шаклланиши, террорчи ташкилотнинг медиа манбалари, ижтимоий тармоқ платформалари орқали юритадиган тарғиботининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда Интернет орқали янги аъзоларни жалб этиш ва ёллаш услубларини тадқиқ этиш зарур.

“ИШИД” ва Яқин Шарқ минтақасидаги террорчи ташкилотлар иштирокидаги жангари ҳаракатлар инсоният тарихидаги медиа воситалар энг кенг қўлланган можаро сифатида баҳоланган. “ИШИД” жангариларининг медиа тарғиботи янги ҳодиса эмас. Террорчи ташкилот “Ал-Қоида”нинг Ироқдаги бўлинмаси сифатида фаолият юритган вақтидаёқ Интернет орқали тарғибот ўтказиш йўллариини ўзлаштира бошлаган.

“Ироқ ислом давлати” сифатида фаолият юритган даврда террорчи ташкилотнинг тарғиботи мураккаб тузилишга эга бўлган медиа тузилма асосида амалга оширилган. Ушбу медиа тузилма оммавий ахборот воситалари, тасвирга олиш ва тарғибот-ташвиқот гуруҳлари ҳамда Интернет сингари алоҳида бўлинмалардан иборат бўлган¹. Террорчи ташкилотнинг кўп тармоқли медиа тузилмаси пирамида шаклида қурилган

¹ Al-'Ubaydi M., Lahoud N., Milton D., Price B. The Group That Calls Itself a State: Understanding the Evolution and Challenges of the Islamic State //Combating Terrorism Center, December 2014. p.48.

бўлиб, ҳар бир бўлим ва унда хизмат қилаётган масъуллар аниқ вазифалар тақсимоти асосида иш юритган. Бу эса террорчи ташкилот ўз олдига қўйилган мақсадлар ижроси йўлида самарали фаолият кўрсатишини таъминлаган².

“ИШИД”нинг Интернет фаолияти ўзигача бўлган медиа тарғибот ютуқларини ўзлаштирган ва ундан унумли фойдаланган бўлса ҳам тарғиботнинг услуги, воситалари, мақсади, кўлами каби жиҳатлари билан “жиходий” жамоаларнинг айна шундай фаолиятидан фарқ қилади. Кристина Скори Лианг (Christina Schori Liang) “Ал-Қоида” ва “ИШИД” террорчи ташкилотларининг Интернетдан фойдаланишидаги фарқлари хусусида тўхталиб, “Ал-Қоида” одатда тармоққа маълумот етказиш воситаси сифатида қараши ва “ўлжа” билан мулоқот қилувчининг сир сақланишига эътибор қилса, “ИШИД” жангарилари ўз-ўзини овоза қилиши, блоглар, хабарчи дастурлар, видео тарқатувчи сайтлар, “Twitter”, “Facebook”, “Instagram”, “WhatsApp”, “Tumblr”, “Ask FM” каби платформалардан кенг фойдаланишини таъкидлаган³. “ИШИД”нинг “Twitter” ва бошқа ижтимоий тармоқ сайтларидан орттирган шухратини “Ал-Қоида” террорчилик ташкилоти ҳатто тасаввур этолмагани таҳлилий маълумотлар асосида очиб берилган⁴.

“ИШИД” медиа тарғиботининг трансформациялашуви 2013 йилнинг апрелидан 2014 йил февраль ойида рўй берди. Айна шу даврда кечган Суриядаги сиёсий танглик, “Ироқ ислом давлати” террорчи ташкилотининг “Ироқ ва Шом ислом давлати” номи остида қайта тузилгани, юқори сифатли медиа маҳсулотларнинг тарқатилиши, ижтимоий тармоқ сайтларидаги фавқулудда фаол тарғиботи террорчи ташкилотнинг онлайн муҳитдаги муваффақиятини белгилаб берган асосий омиллар сифатида баҳоланади.

Террорчи ташкилот медиа майдондаги фаолиятини урушнинг учдан икки қисми деб билади⁵. “ИШИД” ўз ғоялари, амалга ошираётган фаолияти ҳақидаги маълумотларни оммалаштиришга мўлжалланган бир неча манбаларга эга бўлиб, уларни асосий медиа марказлар ва ҳудудий медиа бўлинмаларга ажратиш мумкин. Марказий медиа бўлинмалар қаторига “Ал-Фуркон медиа”, “Фурсанул Балағ медиа”, “Асавирти медиа”, “Ал-Ғурабо медиа”, “Ал-Ҳаёт медиа маркази”, “Иътисам” ва “Ажнад” муассасалари, “Баён” радиоси, “Аъмак” ахборот агентлиги каби асосий бўлинмалар қиради⁶. Марказий медиа бўлинмалар террорчи ташкилотга оид муҳим маълумотларни тайёрлаш ва тарқатишга масъул саналади⁷.

“ИШИД”нинг медиа тармоқлари марказида “Медиа девони” (المكتب الإعلامي) туради ва у террорчи ташкилот маҳсулотларининг тайёрланиши ҳамда тарқатилиши устидан назорат олиб боради.

² Schenk Z. Examining Declassified Historical Media Documents. Communication Breakdown: Unraveling the Islamic State's Media Efforts //Combating Terrorism Center, October 2016. p.5.

³ Liang Ch.S. Cyber Jihad: Understanding and Countering Islamic State Propaganda //GCSP Policy Paper, 2015/1. p.2.

⁴ Miller G., Higham S. In a propaganda war against ISIS, the US tried to play by the enemy's rules //Washington Post. – 2015. – Т. 8.

⁵ Siboni G., Cohen D., Koren T. The Islamic State's Strategy in Cyberspace //Military and Strategic Affairs. Volume 7. No. 1, March 2015. p.130.

⁶ Ajbaili M. How ISIS conquered social media //Al Arabiya News. – 2014. – Т. 24; Winter C. The Virtual ‘Caliphate’: Understanding Islamic State's Propaganda Strategy //Quilliam, 2015.

⁷ Haroro I. The strategic logic of Islamic State information operations //Australian Journal of International Affairs. 69:6, 2015. p.735.

“ИШИД”нинг ноқонуний эгалланган ҳар бир ҳудудий бирлиги мустақил фаолият юритадиган медиа бўлинмага эга⁸. 2016 йил март ойи ҳолатига кўра, Ироқда “ИШИД”га тааллуқли 60 та тарғибот шахобчаси фаолият юритган бўлса, Мосул шаҳрининг ўзида бундай тузилмадан 25 таси аниқланган⁹.

Ижтимоий медиа “ИШИД” маҳсулотларини тарқатувчи манба сифатида қуйидаги хусусиятларини яққол намоён этади:

– шахснинг террорчи ташкилотга нисбатан шаклланиб келаётган мойиллигини сўндирмаслик, бошқа муаммолар билан чалғитмаслик мақсадида ижтимоий медиа уни муайян ғоявий қобик остида сақлайди;

– киши ўз вақтининг асосий қисмини ижтимоий тармоқ сайтларида ўтказиши орқали маълум кучларнинг ғоявий таъсирида бўлади. Мазкур манбада қанча кўп вақт сарфланса, шахснинг мақсадли тарғибот домига тушиши, шаклланган қарашларининг янада мустаҳкамланиши, қатъийлашиши шунча тез кечади;

– ижтимоий медиа ҳамфикр шахсларнинг осон топишиши, бирлашиши ва бир-бирини ғоявий бойитиши учун энг қулай шароитларни яратиб беради;

– ижтимоий тармоқ сайтлари фойдаланувчини ўз таъсирига тушириш учун рақобат олиб боради. Бундай рақобат шахснинг тафаккури, дунёқарашига таъсир ўтказади.

“ИШИД”нинг Интернет орқали янги аъзоларни жалб этиш йўллари ҳамда уларнинг ҳаракат услублари қуйидагилардан иборат¹⁰:

1. “Дастлабки алоқа” босқичида: а) террорчи ташкилот Интернетда ўз “ўлжа”ларини қидиради, уларни кузатиб боради; б) “ИШИД”ни Интернет орқали қидирган “ўлжа”лар билан алоқа ўрнатади.

2. “Кичик жамиятлар ташкил этиш” босқичида: а) “ўлжа” билан доимий мулоқот йўлга қўйилади; б) ташқи таъсирларга берилмаслиги учун ўлжа бошқа алоқаларни чеклашга чакирилади;

3. “Яккама-якка алоқага ўтиш” босқичи. Ушбу босқичда бегоналар назарига тушиш ҳамда турли шубҳа ва гумонларнинг олдини олиш мақсадида “ўлжа” билан ижтимоий тармоқ сайтлари ёки хабарчи дастурлар орқали хос мулоқотга киришилади.

4. “Ўлжа” қизиқишларига мос бўлган “ИШИД” манфаатидаги фаолият турини аниқлаш ва унга рағбатлантириш” босқичида: а) ижтимоий тармоқ сайтлари орқали террорчи ташкилот тарғиботини олиб бориш; б) “ИШИД” ноқонуний эгаллаган Ироқ ва Сурия ерларга кўчиб бориш; в) террорчилик ҳаракатларини уюштиришга тарғиб қилинади.

Демак, “ИШИД” террорчи ташкилоти ёшлар орасида оммабоп медиа платформалар орқали ранг-баранг тарғибот юритиб, ўзини зўравонлар қўлида хорланган мусулмонларнинг ҳимоячиси сифатида кўрсатди, бу эса жамиятда ўз ўрнини топмаган, ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобидаги кўплаб мусулмонларнинг “ИШИД” сафига қўшилишига сабаб бўлди.

⁸ Al-Ubaydi M., Lahoud N., Milton D., Price B. The Group That Calls Itself a State: Understanding the Evolution and Challenges of the Islamic State //Combating Terrorism Center, December 2014.

⁹ Gambhir H. The Virtual Caliphate: ISIS’s Information Warfare //Institute for the Study of War, December 2016. p.14.

¹⁰ Berger J. Tailored Online Interventions: The Islamic State’s Recruitment Strategy //Combating Terrorism Center. Volume 8. Issue 10, October 2015. p.19.